



«Аммо мана бу, батаҳқиқ, Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлди», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

**مُتَنُّكَ إِذَا مَلَ سَوْ هَلْ لَعَلَّ لِي صِلَ لَوْلَا لُؤْسَرِ أَنْ رَمَأَ: لَأَقِي دُعُوسَ مَلِ نَع  
دُمَحَّأُ هَاوَرِ، يَلِ صِي يَّتَحْ مُكُ دَحْأُ حُخِّي أَلْفِةَ الصَّلَابِ يَدُونَفِ بَحْسَمَلِ يَفِ**

Масъудийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Масжидда бўлсаларингиз-у, намозга азон айтилса, бирортангиз ҳам то намозни ўқимагунича чиқмасин», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Азон ва иқоманинг шартлари:

1. Вақт кирган бўлиши шарт.
  2. Араб тилида бўлиши шарт.
  3. Жамоанинг баъзи одамлари эшитиши, ёлғиз ўзи учун айтаётган бўлса, ўзи эшитиши керак.
  4. Лафзларни тартиб билан, кетма-кет айтиш лозим.
  5. Бир киши айтиши шарт. Азоннинг ярмини бир киши, қолганини бошқа киши айтса бўлмайди.
  6. Муаззин мусулмон, оқил, оқ-қорани ажратадиган ва эркак бўлиши шарт.
- Аёл киши, мажнун, ёш бола, кофир, маст, хунаса, жунуб, бетаҳорат ва фосиқлар азон айтмайдилар.

Азоннинг суннатлари:

1. Муаззин гўзал овозли бўлиши, баланд овоз билан азон айтиши.
2. Минорада ёки шунга ўхшаш баланд ерда тик туриб азон айтиш.
3. Муаззин ҳур, балоғатга етган, солиҳ, омонатли ва намознинг вақтини яхши биладиган бўлиши.
4. Муаззин пок ва таҳоратли бўлиши лозим.

5. Муаззин кўзи очиқ киши бўлиши керак.
6. Муаззин икки бармоғини икки қулоғига киритиб азон айтиши лозим.
7. Муаззин азонни шошилмасдан, аниқ ва дона-дона қилиб айтади.
8. Азон ва иқомани қиблага қараб айтади.
9. Азонни савоб учун айтиш керак.

Азоннинг мустаҳаблари:

1. «Ҳайя ғала»ларни айтаётганда юзини ўнгга ва чапга буриш.
2. Азондан кейин, одамлар тўпланиб олгунча, иқомани айтмай туриш. Шом намозида азондан кейин уч қисқа оят тиловат қилгунча вақт турилади, холос.
3. Азон билан иқома орасида «Вақти намоз» ёки «Қомат» каби тасвийб лафзларини айтиб, одамларни яна бир бор огоҳлантириб қўйиш.
4. Муаззин азонни айтиб бўлгунча тингловчилар ўринларидан турмасликлари керак. Чунки азонни эшитиб туриб юришда шайтонга ўхшашлик бор.

Азоннинг макруҳлари:

1. Азоннинг суннатларидан бирини тарк қилиш макруҳ.
2. Азонни оҳангга солиб, чўзиб айтиш макруҳ.
3. Азонни юриб айтиш макруҳ.
4. Муаззинга салом бериш макруҳ.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**